

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ МИРЗИЁ МИРКАМОЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИНГ
ЧИҚИШ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ ВА ДЕГРАДАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Комилов Мирзиё Миркамолевич

Ўзбекистон иқлим шароитларида қуёш панелларининг чиқиш
характеристикалари ва деградация жараёнларини тадқиқ қилиш 3

Комилов Мирзиё Миркамолевич

Исследование выходных характеристик и процессов деградации
солнечных панелей в климатических условиях Узбекистана 23

Komilov Mirziyo Mirkamolovich

Study of output characteristics and degradation processes of solar panels in the
climatic conditions of Uzbekistan 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ МИРЗИЁ МИРКАМОЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИНГ
ЧИҚИШ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ ВА ДЕГРАДАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/T2683 – сон билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.energetika.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Одамов Умарбай Оманович

техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Захидов Ромэн Абдуллаевич

техника фанлари доктори, профессор, академик

Иззатиллаев Жўрабек Олимжонович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2021.T.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-тор кўчаси, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: energetika_in@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-тор кўчаси, 9-А.. Тел.: (99871) 283-23-08).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Х.М. Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ж. Н. Голипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, катта илмий ходим

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали анъанавий ёқилғи-энергия захираларини тежаш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, қайта тикланувчи энергия манбалари ичида қуёш фотоэлектрстанцияларидан фойдаланиб, электр энергия ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб етакчи ўрниларни эгалламоқда. Маълумки, қуёш панелларнинг реал иқлим шароитларида турли иқлим минтақаларида эксплуатация қилинишининг биринчи йилда қуёш панелларнинг чиқиш характеристикаларини ўзгариши ҳамда ташқи ва ички омиллар таъсирида деградация жараёни содир бўлиши, уларнинг ўртача тезлиги йилига 0,2-0,6% ни ташкил қилади¹. Ушбу ҳолатларни яхшилаш мақсадида, фотоэлектрик саноатида иқтисодий тежамкорлик стратегияларидан фойдаланишга, қуёш элементларни сифатини яхшилашга, юпқа қатламли ва чидамли қуёш панелларини ишлаб чиқаришга, қуёш панелларининг чиқиш характеристикаларини яхшилашга ҳамда деградация хавфини камайтириш ва энергия самарадорлигини² оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кўплаб қуёш фотоэлектрстанцияларини қуриш, улар асосида электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида, қуёш панелларининг асосий қисми бўлган чиқиш характеристикаларини яхшилаш, деградация жараёнларини аниқлаш ва олдини олиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, қуёш панелларига мавсумий иқлим ўзгаришларининг таъсири, ташқи муҳитнинг юқори температураси, қуёш панелларнинг ишчи юзаларини чанг қоплаши, ҳаво намлиги ва қуёш интенсивлигини мавсумий ортиши ҳисобига қуёш панелларининг чиқиш характеристикаларини ўзгариши ва деградация жараёнларини келиб чиқиши сабабларини аниқлашнинг замонавий усуллари ва уларни тадқиқ қилишда қуёш панелларнинг чиқиш параметрларини моделлаштириш орқали энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва уларни самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган чора тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Иқтисодиётни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларни барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётни энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш”³ бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш, жумладан, қуёш фотоэлектрстанцияларни чиқиш характеристикаларини

¹ National Renewable Energy Laboratory (NREL) Publications

² Pincel S., Zenen Y., Frank O., Geipel T., Berghold J. 2009. Mechanical stability of solar cells within solar panels. In: .

³ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Иқтисодиётни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларни барча соҳаларга фаол жорий этиш

яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олиш ҳамда уларни аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ ги Қарори, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵ ги Қарори, 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”⁶ ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг: II. “Энергетика, энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуёш фотоэлектрстанциясининг ишлаш самарадорлигини ошириш ва қуёш панелларнинг чиқиш кўрсаткичларини яхшилаш, уларда кечадиган деградация жараёнларини олдини олишда дунёнинг етакчи омиллари илмий тадқиқот ишларни олиб бормоқда. Жумладан, Дунё олимларидан: J.Wohlgemuth, E.Kaplani, A.Charki, A.Kobi, W.Kwapil, P.Carpena, A.Ndiaye, R.Pacios, Sh.S.Chandel, V.Naumann, Shifeng Deng, Zhen Zhang ва бошқалар, қуёш панеллардаги баъзи қуёш элементларида эксплуатация жараёнида юзага келадиган деградацияни ўрганишган⁷. Ҳамда Россия Федерациясининг Миллий илмий-тадқиқот институти олими Д.А.Зезин томонидан юққа қатламлик қуёш элементларидаги деградация жараёнлари ўрганган⁸.

Шунингдек, қуёш панелларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш ва қуёш фотоэлектрстанциялардан олинган электр энергияни электр тармоғига интеграция қилиш каби илмий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистонлик олимлари: Р.А.Захидов, Р.А.Мўминов, М.С.Саидов, М.Н.Турсунов,

⁴ 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида” ги

⁵ 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги

⁶ 2022 йил 28- январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги

⁷ Shifeng Deng, Zhen Zhang, Chenhui Ju, Jingbing Dong, Zhengyue Xia, Xinchun Yan, Tao Xu, Guoqiang Xing. Research on hot spot risk for high-efficiency solar module. Scientific Conference, 17-20 April 2017, Shanghai, China

⁸ Зезин Д.А. Деградационные процессы в тонкоплёночных солнечных элементах. Дисс. канд.техн.наук. -Москва. 2014. -109 с.

Х.М.Муратов, Ғ.Н.Узақов, А.М.Мирзабаев, О.Ҳақимов, И. А.Юлдашов, Н.А.Матчанов, У.А.Таджиев, А.Кутлимратов, У.О.Одамов, А.И. Анарбаев ва бошқалар самарали илмий ишларни олиб боришмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотларга қарамай, қуёш фотоэлектр-станциясининг ишлаб чиқариш коэффициентлари, деградация жараёнлари, минтақавий иқлим шароитларида қуёш фотоэлектрстанциясининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар таъсирида қуёш панелларининг чиқиш характеристикалари ва деградация даражалари тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режалари бўйича: ERASMUS+574055-EPP “Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасида магистрлик дастурини ривожлантириш”, RENES (2016-2019) лойиҳаси доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон иқлим шароитида қуёш фото-электрстанцияларини эксплуатация қилиш даврида қуёш панелларининг чиқиш характеристикаларини ўзгаришини, ташқи ва ички омиллар таъсирида содир бўладиган деградация жараёнларини тадқиқ қилишдан иборат. (Фарғона водийси иқлими мисолида)

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуёш фотоэлектрстанцияларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, истиқболлари ва муаммоларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон иқлим шароитларида қуёш фотоэлектрстанцияларининг кунлик, ойлик, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш режимларини таҳлил қилиш;

реал иқлим шароитларда қуёш панелларнинг чиқиш кўрсаткичлари, вольт-ампер ва вольт-қувват характеристикалари, фойдали иш коэффициенти-ларининг мавсумий ўзгариш қонуниятларини инобатга олган ҳолда самарали ишлаш вақтларини аниқлаш;

қуёш фотоэлектрстанцияларининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи ташқи омиллар: ташқи муҳит температураси, шамол тезлиги, атмосфера босими ва намлигининг таъсирини кореляцион ва регрессион таҳлил усуллари ёрдамида уларни таъсирини аниқловчи математик методлар ишлаб чиқиш;

қуёш фотоэлектрстанциясида ўрнатилган “HANHWA”, “JSPV”, “S_ENERGY” ва “TOPSUN” компаниялари қуёш панелларини визуал кузатиш, тепловизор, термopара ва энергетик ускуналар ёрдамида қизиш жойларини аниқлаш, вольт- ампер ва вольт - қувват характеристикаларини ўлчаш ва ишлаб чиқариш коэффициенти асосида деградация жараёни кечиш тезлигини аниқлаш;

Matlab/Simulink дастурида моделлаштириш асосида қуёш панелларнинг чиқиш кўрсаткичлари ва уларда кечадиган деградация жараёнларини аниқлаш усуллари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти. Наманган вилоятининг Поп туманида тажриба-синов тарзида қурилган қуввати 130 кВт бўлган Наманган-Поп ҚФЭС ва унда ўрнатилган: “HANWHA”, “JSPV”, “S_ENERGY” ва “TOPSUN” компаниялари қуёш панеллари.

Тадқиқотнинг предмети. Қуёш панелларнинг чиқиш параметрлари, вольт-ампер, вольт-куват характеристикалари, фойдали иш коэффициентлари ва уларнинг мавсумий ўзгариш қонуниятлари, ҳамда қуёш панелларида содир бўладиган деградация жараёнларини ўрганиш усулларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлилий ва экспериментал усуллар, корреляцион ва регрессион таҳлил, математик статистика, ҳамда математик моделлаштириш ва кўп факторли регрессион таҳлил қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

қуёш фотоэлектрстанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергия қувватларининг ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, тармоққа узатиладиган қувватларни бошқариш режимларини оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

қуёш фотоэлектрстанцияларининг чиқиш параметрларига таъсир қилувчи иқлим кўрсаткичларини эътиборга олиб, энергетик самарадорликни аниқловчи математик модели ишлаб чиқилган;

қуёш панелларининг реал иқлим шароитлари ва эксплуатация жараёнида вольт-ампер, вольт-куват характеристикалари ва фойдали иш коэффициентлари ўзгаришини инобатга олган ҳолда, энергетик самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

қуёш панелининг чиқиш характеристикалари, деградация жараёнларини кечиши ва ишлаб чиқариш коэффициентларини аниқлаш асосида қуёш фотоэлектрстанцияларини самарали ишлашни баҳолашга имкон берувчи алгоритм яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мавсумий иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қуёш фотоэлектрстанцияларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уларни бошқариш режимлари оптималлаштирилган;

ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳисобига олган ҳолда қуёш фотоэлектрстанциясини ишлаш самарадорлигини ўзгариши қонуниятларини корреляцион ва регрессион усуллари асосида ҳисоблаш тенгламалари яратилган;

қуёш фотоэлектрстанцияларнинг ишлаб чиқариш коэффициентларини ва чиқиш параметрлари аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қуёш панелларида ташқи ва ички омиллар туфайли содир бўладиган деградация жараёнларини кечиш тезлигини аниқлаш усуллари ва уларни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг кўламдаги назарий ва амалий изланишлар олиб бориш билан, замонавий моделлаштириш методларининг қўлланиши, математик ҳисоблашларда олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги билан, шунингдек,

ишлаб чиқаришда тадбиқ қилинганлик тўғрисидаги маълумотлар орқали ҳамда олинган ЭХМ учун дастурга гувоҳномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти-куёш фотоэлектрстанцияларининг эксплуатация жараёнида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўзгариш ва уларда кечадиган деградация жараёнларини илмий жиҳатдан асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - куёш фотоэлектрстанцияларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилган электр энергияни тармоққа узатиш режимларини бошқариш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Куёш панелларини чиқиш характеристикалари ва деградация жараёнларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мавсумий иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда куёш фотоэлектрстанцияларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларни бошқариш режимлари оптималлаштириш бўйича тавсиялар “Наманган-Поп куёш фотоэлектрстанцияси” га жорий этилди (“Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги “Худудий электр тармоқлари” Акциядорлик жамиятининг 2023 йил 13 сентябрдаги №01-03-42/948-сонли маълумотномаси). Натижада электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлиги йилига 138732,2 кВт соатга ошган.

ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳисобига олган ҳолда куёш фотоэлектрстанцияларини чиқиш характеристикаларини яхшилаш ва уларда кечадиган деградация жараёнларини олдини олиш бўйича тавсиялар жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги “Худудий электр тармоқлари” Акциядорлик жамиятининг 2023 йил 13 сентябрдаги №01-03-42/948-сонли маълумотномаси). Натижада кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 62 429 400 (олтмиш икки миллион тўрт юз йигирма тўққиз минг тўрт юз) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-техник конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 3 та хорижий журналларида чоп этилган. Scopus базасига кирувчи тўпламида 1 та мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та ЭХМ дастурига гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предметлари тавсифланган, тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган ва ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қуёш энергиясидан фойдаланиш, қуёш фото-электрстанциялари ва панелларининг характеристикалари таҳлили”** деб номланган биринчи бобда қайта тикланувчи энергия манбалари, қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари, қуёш фотоэлектрстанция (ҚФЭС) ларининг турлари ва ишлаш принциплари, қуёш панел (ҚП) нинг тузилиши, қуёш элементи (ҚЭ) нинг ишчи характеристикаларига қаршиликларнинг таъсири, уларнинг чиқиш характеристикалари, ҚП панелларида содир бўладиган деградация жараёнлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилган ва илмий тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Жаҳонда 2013-2022 йиллар оралиғида қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) турлари: қуёш ва шамол энергияси, сувнинг потенциал энергияси ва бошқа турдаги энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича энергия ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси келтирилган. Бунда, ҚФЭС лар бўйича ўсиш сурати 2013-2019 ва 2020-2022 йиллар оралиғида 50% га ўсганлиги, келажакда кўплаб ҚФЭС ларни қуришни ва уларнинг асосий қисми бўлган ҚП ларни кўплаб ишлаб чиқаришни, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишлаш ресурсини оширишни ҳамда ҚФЭСларнинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар таъсирида кечадиган деградация жараёнларини олдини олиш ва уларни камайтириш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Қуёш панелларининг деградация жараёнларини тадқиқ қилиш усуллари ва қурилмалари”** деб номланган иккинчи бобда қуёш панелларининг параметрлари ва чиқиш характеристикалари тадқиқ қилиш усуллари ва қурилмалари имкониятлари, ҚП ва ҚЭ ларини синовдан ўтказиш бўйича Халқаро стандартлар ва уларнинг талаблари, ҚП ларида кечадиган деградация жараёнини аниқлашда қўлланилган усуллар ва қурилмалар, деградация жараёнини экспериментал тадқиқ қилишдан олинган натижаларни таҳлил қилиш бўйича кўрсатмалар келтирилган. Қуёш элементининг эквивалент схемаси 1-расмда келтирилган, бунда қуёш нури таъсирида ҚЭ да ҳосил бўлган фототок I_{ph} занжир бўйлаб ҳаракатланади ва бир қисми I_d диод орқали ва яна бир қисми I_{sh} ва I_{rs} орқали оқади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$I = I_{ph} - I_d - I_{sh} \quad (1)$$

бунда



1-расм. Қуёш элементининг эквивалент схемаси

$$I = I_{ph} - I_0 \left\{ \exp \left[\frac{q(U + IR_s)}{nkT} \right] - 1 \right\} - \frac{U + IR_s}{R_{sh}} \quad (2)$$

бунда, I -ишчи ток, [А]; I_{ph} -фототок, [А]; I_0 -р-п ўтишининг тескари тўйиниш токи, [А]; q -электроннинг заряди ($1,6 \cdot 10^{-19}$ Кл); U -ишчи кучланиш, [В]; R_s -кетма-кет қаршилик, [Ом]; n -диоднинг идеаллик омили; k -Больцман доимийси ($1,38 \cdot 10^{-23}$ Ж/К); T -р-п-ўтишининг температураси, Кельвин; R_{sh} -қаршилик, [Ом].

Қуёш элементининг эквивалент схемаси (2) формуласида 5 та номаълум параметр мавжуд, булар: I_{ph} , I_0 , n , R_s , R_{sh} . Бу номаълум параметрларни қийматларини аниқлаш учун 5 та тенгламани ечиш зарур. Одатда, учта нуқталар $(I_{sc}, 0)$, $(U_{oc}, 0)$ ва (U_m, I_m) ҚП ни ишлаб чиқарувчилар томонидан стандарт шароитларда олинган қийматлари ҚП нинг маълумотлар (шилдьик) жадвалида кўрсатилган бўлади. Эквивалент моделнинг (2)- формуласи, очик занжир учун кучланиш U салт кучланишга U_{oc} тенг бўлади, яъни $I=0$ ва $U=U_{oc}$ ҳолатда қуйидаги кўринишда бўлади.

$$0 = I_{ph} - I_0 \cdot \left\{ \exp \left[\frac{U_{oc}}{nkT} \right] - 1 \right\} - \frac{U_{oc}}{R_{sh}} \quad (3)$$

Қисқа туташув токи I_{sc} ҳолатида (2)- формула қуйидаги кўринишни олади, бунда $I=I_{sc}$, $U=0$.

$$I_{sc} = I_{ph} - I_0 \cdot \left\{ \exp \left[\frac{I_{sc} \cdot R_s}{nkT} \right] - 1 \right\} - \frac{U_{oc}}{R_{sh}} \quad (4)$$

Ўлчашлардаги ток ва кучланишнинг максимал нуқталарида, яъни $I=I_{max}$ ва $U=U_{max}$ (2) - формула қуйидаги кўринишга келади.

$$I_{max} = I_{ph} - I_0 \cdot \left\{ \exp \left[\frac{U_m + I_m \cdot R_s}{nkT} \right] - 1 \right\} - \frac{U_m + I_m \cdot R_s}{R_{sh}} \quad (5)$$

Юқоридаги учта формулалар (3), (4) ва (5) ни келтириб чиқаришда аниқ ҳолатлардан фойдаланилди. Қолган иккита номаълумни аниқлаш учун (2)- формуладан биринчи ҳолат учун кучланиш U га нисбатан дифференциал оламиз.

$$\frac{dI}{dU} = -I_0 \cdot \left[\frac{1}{kT} \left(1 + \frac{dI}{dU} \cdot R_s \right) \exp \left(\frac{U_m + I_m \cdot R_s}{nkT} \right) - \frac{1}{R_{sh}} \left(1 + \frac{dI}{dU} \cdot R_s \right) \right] \quad (6)$$

Очик занжир учун вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) дан, яъни $I=0$ ва $U=U_{oc}$ да $\frac{dI}{dU} = \frac{dI}{dU} \Big|_{I=0}$ эканлигидан фойдаланиб, (6) - формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\left. \frac{dI}{dU} \right|_{I=0} = -I_0 \cdot \left[\frac{1}{kT} \left(1 + \left. \frac{dI}{dU} \right|_{I=0} \cdot R_s \right) \exp \left(\frac{U_{oc}}{nkT} \right) - \frac{1}{R_{sh}} \left(1 + \left. \frac{dI}{dU} \right|_{I=0} \cdot R_s \right) \right] \quad (7)$$

Қисқа туташув ҳолати учун вольт-ампер характеристикаси (ВАХ) дан, яъни бунда $I=I_{sc}$, $U=0$ тенг бўлади $\left. \frac{dI}{dU} \right|_{U=0} = \left. \frac{dI}{dU} \right|_{U=0}$ ва (6) формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\left. \frac{dI}{dU} \right|_{U=0} = -I_0 \cdot \left[\frac{1}{kT} \left(1 + \left. \frac{dI}{dU} \right|_{U=0} \cdot R_s \right) \exp \left(\frac{U_{oc}}{nkT} \right) - \frac{1}{R_{sh}} \left(1 + \left. \frac{dI}{dU} \right|_{U=0} \cdot R_s \right) \right] \quad (8)$$

Қуёш панелларининг параметрлари ва чиқиш характеристикалари тадқиқ қилиш усулларида юқорида келтирилган (1)- (8) формулалардан фойдаланилди.

Шунингдек, қуёш панелларининг ишчи характеристикалари уларни тайёрланган материалга, тайёрлаш технологиясига ва эксплуатация қилиш жараёнига боғлиқ бўлади.

Қуёш панелларининг чиқиш характеристикаларини тадқиқ қилиш қурилмасининг умумий кўриниши 2-расмда келтирилган. Тадқиқот қурилмаси “EDIBON” компаниясининг “SCADA” тизимида ишловчи ҳамда ҚПларни чиқиш характеристикаларини тадқиқ қиладиган махсус “EESFC” қурилма билан жиҳозланган. Ушбу қурилма компьютерли бошқариш ва ҚП ларининг чиқиш характеристикалари бўйича тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган.

Экспериментал тадқиқот қурилмасида ёруғлик нурини чиқариш учун NH-J117 турдаги галоген лампаларидан 8 та ўрнатилган. Ҳар бир галоген лампаларнинг ёруғлик оқими 9500 lm ва қуввати 500 Wга тенг. Қурилманинг умумий ёруғлик интенсивлик интервали $0 \div 1000 \text{ W/m}^2$ га тенг. Бунда ёруғлик интенсивлиги ўзгартириш ҳисобига ҚПларида ишлаб чиқарилган ток кучи $I(A)$, кучланиш $U(V)$ ва қувват $P(W)$ ўзгаришлари ўлчаш имкониятига эга.



2-расм. Қуёш панелларининг чиқиш характеристикасини тадқиқ қилиш қурилмасининг умумий кўриниши


ҚПларни деградация жараёнларини аниқлашда ҳам ушбу қурилмадан ва Халқаро стандарт IEC-61724 талабларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Наманган-Поп қуёш фотоэлектрстанциясининг энергетик кўрсаткичлари» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистоннинг реал иқлим шароитида Наманган-Поп ҚФЭСнинг 7 йил давомидаги ишлаш фаолияти, ундаги ҚПларнинг жойлашиш тартиби, инверторлар ва уларнинг

техник характеристикалари келтирилган. ҚФЭСда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг кунлик, ойлик ва йиллик динамикаси таҳлили, ишлаб чиқариш параметрларининг мавсумий ўзгариш қонуниятлари ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларининг таҳлили келтирилган.

Наманган-Поп ҚФЭС томонидан 2015-2021 йилларда ишлаб чиқарилган ва тармоққа узатилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган электр энергия динамикаси йиллар кесимида 3-расмда келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2015 йилдан 2018 йилгача ҚФЭС томонидан электр энергия ишлаб чиқариш 10% га камайган.




3-расм. 2015-2021 йилларда ишлаб чиқарилган ва ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилинган электр энергия кўрсаткичлари динамикаси

Ушбу самарадорликнинг ўзгаришлари ҚФЭС нинг реал иқлим шароитига мослашуви, йил фасллари-нинг ҳар хил келишига, қуёш панелларининг сиртидаги чанг зарраларига боғлиқдир. 2019 йилдаги самарадорликга таъсир этувчи ҳолатларни бартараф қилингандан кейин, ишлаб чиқариш 2018 йилга нисбатан 12% ошганлигини кўришимиз мумкин

Тадқиқот даврида, яъни 2015-2021 йиллар оралиғидаги максимал ишлаб чиқарилган электр энергия 2020 йилга тўғри келади, бу 143871,6 кВт·соат ни ташкил этади. 2015-2021 йиллар мабойинида ҚФЭС да электр энергия ишлаб чиқаришини ўзгаришларни аниқлаш мақсадида, 2015 йилдан 2021 йилгача бўлган давр учун ойлар кесимида таҳлиллар ўтказилди. 4-а) ва б) расмларда ҚФЭСда 2015 ва 2020 йилларда ишлаб чиқарилган ва ўз эҳтиёжлари учун сарфланган электр энергия ойлар кесимида келтирилган.



а) 2015 йил ойлар кесимида




б) 2020 йил ойлар кесимида


4-а) ва б) расмларда Наманган-Поп ҚФЭС да ишлаб чиқарилган ва ўз эҳтиёжлари учун сарфланган электр энергия қийматлари

ҚФЭСда 5 йил ичида ишлаб чиқарилган электр энергия ўзгаришларидан маълумки, 2015 йилда максимал электр энергия ишлаб чиқариш август ойига тўғри келган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич май ойига ўзгарган, ҳамда асосий


ишлаб чиқариш йилнинг биринчи олти ойлигига тўғри келиши аниқланди. 2015-2021 йиллардаги мавсумий иқлим ўзгаришлари шуни кўрсатдики, йилнинг куз ва қиш мавсумига нисбатан баҳор ва ёз фаслларида ҚФЭСнинг ишлаш самарадорлиги юқори бўлиши аниқланди. Ушбу мавсумий ўзгариш қонуниятлари 7 йиллик тадқиқотларда ўз исботини топди. ҚФЭСда ўрнатилган ҳар бир компания қуёш панеллари учун мавсумий ўзгариш динамикаси 5- а), б), в) ва г) расмларда келтирилган.




5- а) расм. 2020 йил 18-июнь



5-б) расм. 2020 йил 27 декабрь



5- в) расм. 2020 йил 16-апрель



5- г) расм. 2021 йил 28-март

5-а) расмда 2020 йил 18-июнь ёз ойи ҳаво очиқ бўлиб, куннинг давомийлиги эрталаб соат 7:00 дан кечги 19:00 гача (яъни 12 соат) ва ташқи муҳит температураси $+34-35^{\circ}\text{C}$ бўлган. Ушбу даврда 4 та компания ҚП ларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги деярли бир хил бўлган, бироқ HANHWA компаниясининг ҚПларида кунинг 12:00 ва 14:00 соатларида энергия самарадорлиги бироз пасайиши кузатилган.

5-б) расм 2020 йил 27 декабрь қиш фасли, кун булутли ва бироз қорли, ташқи муҳит температураси $+3^{\circ}\text{C}$ бўлган, ҳар бир компания ҚПлари куннинг биринчи яримида яъни 9:00 дан 13:00 гача оралиқда самарали ишлаганлигини кўриш мумкин, бироқ куннинг иккинчи яримида 13:00 дан 15:00 гача оралиқда HANHWA ҚПларининг ишлаш самарадорлиги кескин пасайган.

5-в) расмда 2020-йил 16-апрель баҳор фасли куннинг ҳаво таркиби чанг-тўзонли бўлган шароитда тадқиқот ўтказилди, ҳаво температураси $+14^{\circ}\text{C}$ га тенг, компания ҚПларининг электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлиги куннинг биринчи яримида 7:00 дан 14:00 гача вақт оралиғида юқори бўлганлигини кўриш мумкин, куннинг иккинчи яримида 14:00 дан 18:00 гача вақт оралиғида ҳаво температураси $+8^{\circ}\text{C}$ гача тушган, бироқ, шунга мос равишда ҚПларининг ишлаш самарадорлиги ҳам пасайган.

5-э) расмда 2021 йил 28-март баҳор фасли кун қисман булутли ва ёмғирли об-ҳаво шароитида изланишлар олиб борилди, ташқи муҳит температураси кун давомида +8°C ва +16°C оралиғида ўзгариб турган, бунда HANHWA, JSPV, S-ENERGY ва TOPSUN компаниялари ҚПлари қувватларининг кун давомидаги ўзгариши бир хил бўлиб, ташқи муҳит температурасига мутаносиб ўзгарган.


Бироқ, HANHWA ва JSPV компания ҚПларининг қувватлари бир хил бўлишига қарамасдан, ташқи муҳит температурасининг ўзгариш билан HANHWA компанияси ҚПларининг JSPV компанияси ҚПлари характеристикасига нисбатан кескин қиялигини кўришимиз мумкин.

Наманган-Поп ҚФЭСда ўрнатилган барча ҚПларнинг ташқи юзасини кўздан кечирилганда HANHWA (HSL 250) компанияси ҚПларда бир қатор нуқсонлар юзага келганлиги аниқланди (6- расм).



6-расм. HANHWA (HSL250) компаниясининг нуқсонли қуёш панеллари

Бундай нуқсонлар мавсумий иқлим шароитларида реал эксплуатация жараёнида ҚП ларининг температураси $T_{ҚП}$ (°C) меъёрдан ортиб кетиши (айниқса ёз ойларида) сабабли, ҚПларининг баъзи қисмларида ҚЭларнинг юзасига қопланган EVA плёнка қатлами билан ҚЭлари орасида ҳаво пуфакчалари пайдо бўлганлиги аниқланди. Бунинг натижасида ҚЭга тушаётган қуёш нурларининг бир қисми ушбу пуфакчаларда сочилиб кетиши оқибатида қуёш нурлари ҚЭга тўлиқ етиб бормайди. Натижада, ҚП ларининг ишлаш самарадорлиги тушиб кетиши кузатилди.



7-расм. 2015-2021 йиллар оралиғида ишлаб чиқарилган электр энергия диаграммаси ва даражаланган тренд чизиғи

7 йил мабойинида олиб борилган кузатишлар натижасида ҚФЭСнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги 2,2% га камайганлиги аниқланди, буни даражаланган тренд чизиғида кўриш мумкин (7-расм). ҚФЭСнинг 7 йил ичидаги ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати 139026,8 кВт·соатни ташкил этган.

Экспериментал тадқиқот ёруғлик интенсивлиги $200 \div 750 \text{ W/m}^2$ интервалида олиб борилди. ҚПга тушаётган ёруғлик интенсивлигини ошириб бориш ҳисобига, ишлаб чиқарилган ток кучи $I(\text{A})$, кучланиш $U(\text{V})$ ва қувват $P(\text{W})$ ўзгариши ўлчаб борилди.

1-жадвалда янги эксплуатация қилинмаган ҚПга тушаётган нурнинг интенсивлигини $J=750 \text{ W/m}^2$ бўлган ҳолат учун ҚП температурасининг чиқиш параметрларига таъсири бўйича олинган натижалар келтирилган.

1-жадвал

Эксплуатация қилинмаган қуёш панелининг параметрлар кўрсаткичлари

Энергетик параметрлар	Қуёш панелининг температураси °C									
	31	35	39	43	47	51	55	57	59	61
U (V)	32,9	32,2	31,9	31,5	31,1	30,9	30,5	30,3	30,2	30,1
I (A)	6,71	6,84	6,85	6,87	6,88	6,89	6,95	6,98	7,00	7,01
P (W)	220,8	220,3	218,5	216,4	214,0	213,0	212,0	211,5	211,4	211,0

2-жадвалда нуқсонли ҚП температурасининг чиқиш параметрларига таъсири бўйича олинган экспериментал натижалар келтирилган.


2-жадвал

7 йил эксплуатация қилинган қуёш панелининг параметрлар кўрсаткичлари


Энергетик параметрлар	Қуёш панелининг температураси °C									
	31	35	39	43	47	51	55	57	59	61
U (V)	30,8	30,7	30,7	30,6	30,5	29,8	29,2	28,8	28,5	28,1
I (A)	6,58	6,58	6,59	6,59	6,61	6,62	6,63	6,64	6,65	6,66
P (W)	202,7	200,6	202,3	201,7	201,6	197,3	193,6	191,2	189,5	187,2

Экспериментал олинган натижалар Microsoft Exel дастурлари асосида таҳлил қилинди. HANHWA (HSL 250) компаниясининг нуқсонли ва янги эксплуатация қилинмаган ҚПларнинг ВАХси, қувват ва кучланишни боғлиқлик графиклари 8-а) ва б) расмларда келтирилган. HANHWA (HSL 250) компаниясининг 7 йил давомида реал иқлим шароитда эксплуатация қилинган нуқсонли ҚП нинг максимал кучланиши $U_{\text{мах(нуқ.ҚП)}}=23,6\text{V}$, янги эксплуатация қилинмаган ҚПнинг максимал кучланиши $U_{\text{мах(янгиҚП)}}=24,7 \text{ V}$ га тенг эканлиги аниқланди. Демак, ишлаб чиқарилган кучланиш $U(\text{V})$ ва ток $I(\text{A})$ маълум бир қийматга, яъни 1,1 га камайган. Қувват ва кучланиш боғлиқлигини аниқлаш учун ҚП ларининг температураси $T=40^{\circ}\text{C}$ бўлганда ўлчаш ишларини олиб борилди. Олинган экспериментал натижалар шуни кўрсатдики, янги эксплуатация қилинмаган ҚП нинг максимал қуввати $P_{\text{мах}}=166 \text{ W}$ ни, нуқсонли, яъни эксплуатация қилинган ҚПнинг максимал қуввати $P_{\text{мах}}=156 \text{ W}$ ни ташкил этди. ҚП га тушаётган нур интенсивлигини 550 W/m^2 , 650 W/m^2 ва 750 W/m^2 ўзгартирган ҳолатда, қисқа туташув токи $I_{\text{sc}}(\text{A})$ ва салт кучланиш $U_{\text{oc}}(\text{V})$ қийматлари ҳамда вольт-ампер характеристикалари олинди. ҚПга тушаётган нурланиш интенсивлиги $J(\text{W/m}^2)$ ошиб бориши ҳисобига, салт кучланиш $U_{\text{oc}}(\text{V})$ сезиларли даражада камайиб, қисқа туташув ток $I_{\text{sc}}(\text{A})$ эса бироз ортиб

бориши аниқланди. Юқоридаги нурланиш интенсивлиги қийматлари учун янги эксплуатация қилинмаган ҚП чиқиш қуввати $P_{янги}(W)$ билан 7 йил давомида эксплуатация қилинган нуқсонли ҚП чиқиш қуввати $P_{нуқ.}(W)$ лари таққосланди, уларнинг ишчи характеристикаларида фарқлар аниқланди.



8-а) расм.ҚП нинг ВАХ си



8-б) расм. Қувватнинг кучланишга боғлиқлиги

Бунинг сабаби, ҚПларининг температураси ортиши T ($^{\circ}C$) билан чиқиш қувватини P (W) камайиши нуқсонли ҚПда кузатилди, бу билан деградация жараённини самарадорликга таъсирини кўриш мумкин.

“Қуёш фотоэлектрстанциясининг ишлаш самарадорлиги ва деградациясини баҳолашнинг математик усуллари ва моделлари” деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқилган математик усуллар ёрдамида ҚФЭСнинг ишлаш самарадорлигига таъсир қилувчи иқлим кўрсаткичларини 2018, 2019, 2020 ва 2021 йиллар бўйича корреляцион ва регрессион усуллари таҳлили келтирилган. Ҳамда ташқи муҳит температураси $T_{мух}$ ($^{\circ}C$) ортиши ҳисобига ҚФЭСнинг ишлаб чиқариш коэффиценти (PR) ни аниқловчи математик алгоритми ва ҚПларда кечадиган деградация жараёнларини аниқловчи математик алгоритм блоклари келтирилган. ҚФЭСнинг эталон (Y_f) ва якуний (Y_f) ишлаб чиқариш соатлари, ва электр энергия ишлаб чиқариш коэффицент (PR) ларининг қийматлари ҳисоблаб чиқилган.

Экспериментал олган натижаларни адекватликни аниқлаш учун Matlab/Simulink дастурида моделлаштирилган. 2020 йил учун 5 та иқлим кўрсаткичларини ўзгаришини ҳисобга олиб, 5 та номаълум билан ифодаланиладиган қуйидаги функция шакллантирилган:

$$W(Y) = f(X_1(I), X_2(T), X_3(P), X_4(V), X_5(\phi)) \quad (9)$$

бунда: $W(Y)$ – ҚФЭС да ишлаб чиқарилган электр энергия қиймати, W ($kWh \cdot c$); X_1 қуёш радиацияси W/m^2 , X_2 – ташқи муҳит температураси, $T_{мух}$ ($^{\circ}C$); X_3 – атмосфера босими, P (kPa); X_4 -шамол тезлиги, V (m/s); X_5 -атмосфера намлиги, ϕ (%).

(9) формуладан келиб чиқиб, 5 номаълумли чизиқли регрессион тенглама қуйидагича шакллантирилди:

$$Y = a_0 + a_1X_1 + a_2X_2 + a_3X_3 + a_4X_4 + a_5X_5 \quad (10)$$

бунда, $a_0, a_1, a_2, a_3, a_4, a_5$ – номаълум сонлар.


3-жадвалда 2020 йил учун иқлим кўрсаткичларидан фойдаланиб, 5 та номаълумли ўзгарувчи омиллар учун корреляция матрицаси келтирилган. 3-жадвалдан ҚФЭС да ишлаб чиқарилган электр энергия қийматлари $W(Y)$ билан ташқи муҳит температураси $T_{мух}(X_2)$ боғлиқлик корреляция коэффиценти 0,8783 га тенг, худди шундай, шамол тезлиги $V(X_4)$ боғлиқлик корреляция коэффиценти 0,8924 га тенг эканлигини кўриш мумкин.

3-жадвал


5 та номаълумли ўзгарувчи омил учун корреляция матрицаси

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅
Y	1					
X ₁	0,816787	1				
X ₂	0,87835	0,981535	1			
X ₃	-0,82328	-0,95866	-0,94387	1		
X ₄	0,89247	0,894261	0,923083	-0,9171	1	
X ₅	-0,85427	-0,94149	-0,96191	0,886468	-0,91111	1

Бу сонлар қанча бирга яқин қийматда бўлса ушбу катталиклар орасидаги боғлиқлик шунча юқори бўлади. 2020 йилда ишлаб чиқарилган электр энергия қийматлари $W(Y)$ билан ташқи муҳит температурасининг $T_{мух}(X_2)$ боғлиқлигини кўрсатувчи регрессион модели ва $T_{мух}(^{\circ}C)$ ўзгаришига қараб ҚФЭСнинг электр энергияни ишлаб чиқариш динамикаси 9-а ва 9-б расмларда келтирилган.



9-а расм. Регрессион модели



